

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**735** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 20 июль,  
532-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**30 (790)-сон**

**— 229 —**

**735-736-моддалар**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 20 июлдаги 532-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда кўриқлаш-карантин хизмати бўйича идоравий ветеринария милициясини ташкил этиш тўғрисида» 1964 йил 4 июндаги 321-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алоҳида милиция батальонини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 7 апрелдаги 171-сон қарори.
3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1967 йил 11 июлдаги 1374-р-сон фармойиши.